ЎзРВБда монополияга қарши комплаенс тизими жорий этилганлиги муносабати билан ўқув-семинар ташкил этилди.

2023 йил 6 октябрь куни ЎзРВБ Таълим маркази ва Юридик ва комплаенс-назорат бўлими билан ҳамкорликда ЎзРВБнинг маъмурий биносида “ЎзРВБда монополияга қарши комплаенс тизимини жорий этиш ва унинг ишлаш тартиби тўғрисида”ги низом ҳамда ЎзРВБда монополияга қарши комплаенс тизимини жорий этиш ҳамда рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларининг бузилиш хавфларини камайтириш бўйича 2023-2024 йилларга мўлжалланган йўл харитасининг мазмун-моҳиятини етказиш учун ўқув-семинар ташкил этилди.



Семинарда ЎзРВБда монополияга қарши комплаенс тизими бўйича масъул шахс О.Э. Умурзаков мазкур ҳужжатлар Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 июлдаги ПФ-6019-сонли “Рақобат муҳитини янада ривожлантириш ва иқтисодиётдаги давлат иштирокини қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 2 мартдаги 114-сонли “Монополияга қарши комплаенс тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ ЎзРВБ фаолиятининг рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар хавфини аниқлаш ва уларнинг олдини олишга қаратилган

ички ташкилий чора-тадбирлар ва таомиллар тизимини шакиллантириш мақсадида қабул қилинганлигини таъкидлаб ўтди.



Бундан ташқари рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари, ЎзРВБда монополияга қарши комплаенс тизимини жорий этиш ва унинг ишлаш тартиби, тизимнинг асосий вазифалари ҳамда масъул шахснинг асосий вазифалари семинар иштирокчиларига қисқача тушунчалар бериб ўтилди.



Семинар ЎзРВБ ходимлари томонидан катта қизиқиш билан тингланди ва семинар сўнггида ходимлар ўзларини қизиқтирган саволларига атрофлича жавоб олишди.